XALQ DEPUTATLARI BULOQBOSHI TUMAN KENGASHI QARORI

170500, Buloqboshi t., M.Ismoiliy ko'chasi 6-uy, Telefon: (74) 7732560 e-mail: buloqboshi@exat.uz

2023 - yil 10 - may VI-68-44-1-20-K/23 Buloqboshi tumani hokimligi

Булоқбоши туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган маблағларни йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 27-, 126-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6- ва 24–моддаларига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Булоқбоши туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган қўшимча маблағлар 982 879,8 млн сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Туман ҳокимлигининг "2023 йил 1-чорак якуни билан шаклланган қўшимча маблағларни мақсадли ва манзилли сарфланиши бўйича" таклифи мақуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан иловага мувофиқ маблағлар ажратилсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Буваматов), туман иқтисодиёт ва молия бўлими (А.Расулжонов) ва ғазначилик хизмати бўлими (Д.Тўраев) билан биргаликда ушбу қарор иловасига мувофиқ ажратилган маблағларни белгиланган тартибда йўналтирилишини ҳамда молиялаштирилишини таъминласин.

4. Туман ҳокимлиги матбуот ҳизмати (И.Юлдашев) мазкур қарорни матбуотда эълон қилсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Н.Сотволдиев ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Буваматов зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **O'.Mamurov**